


ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



XXI ASR

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

2-iyul
2026-yil
26 (1 180)

Ҳикмат излаганга...

Дунёда Онага қиёслаш
мумкин бўлган иккита нарса
бор. Она тили, Она Ватан.

Она тилини унутмоқ —
ўз онасини унутмоқ билан тенг!
Ўткир ҲОШИМОВ

21asr.uz XXIasr_yangiliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

**Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган терма жамоамиз аъзоларига
ортиқча ҳис-туйғу билан эътироз билдириш, улардан айб қидириш
халқимизга хос иш эмас. Аксинча, бугун уларни қўллаб-қувватлаш,
руҳини кўтариш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ



ИМКОНИЯТ

ҒАЛЛАКОР меҳнатига яраша МАНФААТДОР

ёхуд бу йил мамлакатимиз бободехқонлари мўл ҳосил олиб,
юқори даромадни кўзлашмоқда



“Дехқон ишлаб дон сочар,
Элга ризқ йўлин очар”,
деган нақл бежиз айтилмаган.
XXI асрга келиб, ушбу ҳикматли иборалар
моҳияти ҳам ўзгариб кетди.
Негаки бугун ернинг баракаси фақат
меҳнатга эмас, балки илм, инновация ва тўғри
иқтисодий муносабатларга ҳам боғлиқ
бўлиб қолди. Кейинги йилларда
мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини бозор
тамойиллари асосида ислоҳ қилиш,
фермернинг иқтисодий манфаатдорлигини
кучайтириш ва ҳар томонлама
қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли
чора-тадбирлар амалга оширилди.
Бу эса ғаллачиликда мутлақо
янги натижаларни бермоқда.

2



Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ:

**ОДАМЛАРГА БАЛИҚ
БЕРИШ ЭМАС,
АКСИНЧА,
БАЛИҚ ТУТИШНИ
ЎРГАТИШ КЕРАК!**

3

**Нуфузли
халқаро
ташкилот ўз
уставига
Ўзбекистон
билан боғлиқ
ўзгаришлар
киритмоқда**




2

ҚУТЛАЙМИЗ

XX-XXI аср журналистикаси тарихида
номи муҳрланаяк ижодкорлар
орасида Рўзимбой Ҳасаннинг алоҳида
ўрни борлиги ҳақиқат. Заҳматкаш
ҳамкасбимизнинг мардона меҳнати
сўнгги ўн йилликлар орасида қадр
топаётгани алоҳида мавзу.

Газетаимизнинг Қорақалпоғистон
Республикаси ва Хоразм вилоятидаги
муҳбири, таниқли публицист, адиб,
“Дўстлик” ордени соҳиби Рўзимбой
Ҳасан “Олтин қалам” халқаро миллий
мукофоти соҳиби бўлди!



5



**МАҒЛУБИЯТЛАР ОРТИДА
ҲАМИША ҒАЛАБАЛАР
ТУРАДИ!**

6

ҒАЛЛАКОР меҳнатига яраша МАНФААТДОР

ёхуд бу йил мамлакатимиз бободехқонлари мўл ҳосил олиб, юқори даромадни кўзлашмоқда

Бошланиши 1-саҳифада.

Жорий йил республика бўйича қарийб 34 минг фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан бир миллион гектардан зиёд майдонда буғдой парвариш қилиниб, 10 миллион тоннадан ортиқ дон етиштирилди. Энг муҳими, гектаридан 100 центнер ва ундан юқори ҳосил олган фермерлар сони 14 мингдан ошди. Бу рақамлар тасодиф эмас, давлат сиёсати, фермер меҳнати ва замонавий агротехнологияларнинг уйғунлиги натижасидир.

Сўнгги йилларда ғаллачиликда фермернинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш муҳим йўналишга айланди. Президентимиз томонидан имзоланган қарор ва фармонлар асосида ғалла етиштирувчилар учун қатор қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилди. Хусусан, давлат ресурси ёки биржа орқали сотилган буғдой қийматининг 10 фоизи субсидия қилиб қайтарилмоқда. Имтиёзли кредитларни муддатидан олдин қайтарган хўжаликларга фоиз харажатларининг бир қисми компенсация қилиниши белгиланди. Шунингдек, дизель ёқилғиси, сув тежовчи технологиялар, рақамли ечимлар ва интенсив агротехнологияларни жорий этиш учун ҳам давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш кучайтирилди.

Президентимизнинг 2026 йил 8 майдаги “Пахта ва буғдой етиштирувчиларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 82-сонли фармонида мувофиқ, буғдой етиштириш учун олинган имтиёзли кредитларни ҳосил йилининг 1 августига қадар тўлиқ қайтарган хўжаликларга тўланган фоиз тўловининг 4 фоизлик қисми давлат томонидан компенсация қилинади. Шунингдек, 2026 йил 1 апрелдан 1 июлгача биржа орқали харид қилинган дизель ёқилғиси бўйича 13 миллион сўмдан ошган қисми учун, лекин 2 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда субсидия ажратилиши белгиланди. Бу эса фермерлар учун молиявий юкни сезиларли даражада камайтирмоқда.

Энг муҳими, 2020 йилдан бошлаб давлат буюртмаси асосида дон етиштириш амалиёти бекор қилиниб, соҳага бозор тамойиллари босқичма-босқич жорий этилди.



Фермерларга кредит маблағларидан эркин фойдаланиш, ресурс етказиб берувчиларни мустақил танлаш ва донни биржа механизми орқали сотиш имконияти берилди. Бу эса ҳаётий рақобат ва ҳақиқий иқтисодий манфаатдорликни таъминлади.

Соҳага инновация ва илмнинг кириб келиши ҳам юқори натижаларга замин яратмоқда. Янги навлар, илмий асосланган ўғитлаш тизими, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш, рақамли мониторинг ва аниқ агротехнологиялар кенг жорий этилмоқда. Сув тежовчи технологиялар учун субсидиялар натижасида ёмғирлатиб суғориш тизими ўрнатилган майдонлар кенгайди. Илмий тавсиялар, семинарлар ва устоз-шогирд тизими ҳам фермерлар маънавиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Натижада айрим ҳудудларда илгари 50–60 центнер ҳосил олган фермерлар бугун 100 центнердан юқори ҳирмон кўтариб, 35 туман режани муддатидан олдин бажаргани алоҳида эътиборга лойиқ.

Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи манфаатлари уйғунлашди. Ҳосилдорлик ошиши ички бозорда дон ва ун маҳсулотлари барқарорлигини таъминлаб, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамламоқда. Фермерлар эса даромад ортиши ҳисобига техникаларни янгилаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш имконига эга бўлмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, 2025 йил ҳосилидан бошлаб имтиёзли кредитлар фоизи 12 фоиздан 10 фоизга туширилиб, тўғридан-тўғри фермерларга ажратиш тартиби

жорий этилди. Бу эса уларнинг молиявий мустақиллигини янада кучайтирди. Шу билан бирга, бу йилги об-ҳавонинг қулай келиши ҳамда агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши юқори ҳосил олиш имконини кенгайтирди.

Бугунги ютуқлар бир ҳақиқатни яна бир бор исботлади: фермер учун эркин иқтисодий муҳит, давлат қўллови ва замонавий билимлар уйғунлашган жойда юқори ҳосил ҳам, юқори даромад ҳам бўлади. Демак, ғаллачиликда яратилган шароитлар инновациялар ва илғор тажрибаларни кенг жорий этишга хизмат қилмоқда. Бу эса нафақат бугунги мўл ҳосил, балки Янги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг барқарор келажаги учун ҳам мустаҳкам асосдир.



Ақтам ХАЙТОВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси

ЎзLiDeP ВА ДУНЁ

НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ЎЗ УСТАВИГА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН БОҒЛИҚ ЎЗГАРИШЛАР КИРИТМОҚДА

ЎзLiDeP вакиллари шу йилнинг 25-28 июнь кунлари Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида Осиё сиёсий партиялари халқаро конференцияси (ICAPP) Доимий кўмитасининг 45-йиғилишида қатнашди.

Дунёдаги энг нуфузли глобал партиялараро ташкилотлардан бири ҳисобланган ICAPP 50 дан ортиқ давлатнинг 350 дан зиёд сиёсий партияларини ўз сафида бирлаштирган йирик халқаро тузилмадир. Мазкур платформа қитъамиз ва ундан ташқаридаги етакчи сиёсий кучлар ўртасида очиқ мулоқот ва стратегик фикр алмашинуви майдони бўлиб хизмат қилмоқда.

Қарийб чорак асрлик тарихга эга ушбу ташкилот фаолиятида кейинги ўн йил давомида Ўзбекистон сиёсий партиялари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, ICAPP қошидаги Ёшлар қаноти (Youth Wing), Аёллар қаноти (Women's Wing), Медиа форум (Media Forum) ва Бизнес кенгаши (Business Council) Ўзбекистон вакиллари учун халқаро ҳамкорлар билан тадбиркорлик, ёшлар ҳамда аёллар сиёсати ва оммавий ахборот воситалари соҳаларида яқин алоқаларни йўлга қўйишда муҳим омил бўлди.

Ташкилотнинг бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи асосий органи — Доимий кўмита (Standing Committee) бўлиб, у тузилманинг стратегик йўналишларини белгилашда марказий роль ўйнайди.

Доимий кўмитанинг Улан-Батордаги анжуманида ICAPP фаолиятига концептуал тарзда таъсир қилувчи ва халқаро сиёсий архитектурани ўзгартирувчи бир қатор муҳим масалалар қўриб чиқилди.

Ўзбекистон — минтақавий ва глобал сиёсатнинг марказида

Йиғилиш кун тартибидаги энг асосий масалалардан бири — ташкилотнинг бўлажак 13-Бош Ассамблеясида ICAPP Уставага киритилиши кутилаётган тарихий ўзгаришлар муҳокамаси бўлди. Унга кўра, ташкилотнинг бошқарув органи — Доимий кўмита аъзолари сонини 23 тадан 25 тага ошириш ҳамда Ўзбекистон ва Лаос етакчи партияларини Доимий кўмита аъзоси сифатида белгилаш таклифи илгари сурилди ва бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Доимий кўмита аъзолари томонидан Марказий Осиё бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий жиҳатдан янги имкониятлар ҳамда глобал ташаббуслар маконига айланиб бораётгани алоҳида эътироф этилди. Бунда айнан Ўзбекистоннинг прагматик, очиқ ва яхши қўшничилик тамойилларига асосланган ташқи сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнаётгани таъкидланди. Мамлакатимизнинг нафақат минтақада, балки жаҳон миқёсида тобора мустаҳкамланиб бораётган ўрни унинг қитъанинг энг йирик партиялараро уюشمаси раҳбар органида бўлишини тақозо этмоқда. Муҳокамада сўзга чиққан Доимий кўмита



аъзолари бўлмиш Осиёнинг етакчи партиялари вакиллари ва етакчилари Ўзбекистоннинг Доимий кўмита таркибига кириши минтақалараро сиёсий мулоқотни сифат жиҳатида янги босқичга кўтаришига ишонч билдирдилар.

Қитъалараро янги сиёсий платформа: ICDPD ташаббуси

Бугунги мураккаб геосиёсий кескинликлар, иқтисодий ноаниқлик ва ахборот маконидаги глобал рақобат даврида сиёсий партиялар ўртасидаги тизимли мулоқот ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Шу мақсадда, ICAPP ташаббуси билан шу йилнинг сентябрь ойида Сеул шаҳрида Африка сиёсий партиялари ташаббуси (APPI), Лотин Америкаси ва Кариб хавзаси давлатлари сиёсий партиялари доимий конференцияси (CORPPAL) ҳамда Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясидаги Европа консерваторлари, ватанпарварлари ва ҳамкорлари гуруҳи (ЕСРА) билан ҳамкорликда “Сиёсий партиялар ўртасидаги Қитъалараро мулоқот” (ICDPD) таъсис йиғилишини ўтказиш масаласи келишиб олинди.

Ушбу глобал лойиҳа Осиё, Африка, Шимолий ва Лотин Америкаси ҳамда Европанинг етакчи ва ҳукмрон партиялари ўртасида мутлақо янги ҳамкорлик платформасини шакллантиради. Ушбу тузилмада муҳим ўрин тутадиган ICAPP Доимий кўмитаси таркибидан Ўзбекистоннинг ҳам жой олиши мамлакатимизнинг глобал партиялараро жараёнларда ҳам ўз сўзига эга нуфузли субъектга айланаётганидан далолат беради.

Рақамли трансформация ва сунъий интеллект: Ўзбекистон тажрибаси

Анжуман доирасида бўлиб ўтган “Рақамли асрда Осиё трансформацияси: сунъий интеллект муаммоси” мавзусидаги махсус сессия халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотди. Унда сунъий интеллект (AI) технологияларининг давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва инсон капиталига таъсири муҳокама қилинди.



Мазкур сессияда ЎзLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси департамент раҳбари Сардор Марипов мазруза қилди. У ўз нутқида Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича 2030 йилгача белгиланган миллий

стратегия, рақамли инфратузилмани кенгайтириш ва AI ечимларини давлат хизматлари, таълим ва тадбиркорликка босқичма-босқич жорий этиш борасидаги амалий қадамлар ҳақида батафсил маълумот берди. Алоҳида қайд этилганидек, ЎзLiDeP сунъий интеллект технологияларига хусусий сектор самарадорлигини ошириш, бизнес муҳитини рақамлаштириш, ёшлар учун янги касбий имкониятлар яратиш ҳамда давлат бошқарувида очиқлик ва тезкорликни таъминлайдиган стратегик ресурс сифатида қарайди.

Юқори даражадаги учрашувлар ва эътироф

Ташриф дастури доирасида бир қатор учрашувлар ҳам бўлиб ўтди. Хусусан, Мўғулистон Бош вазир, Мўғулистон Халқ партияси раиси Ням-Осор Учрал билан расмий учрашув ўтказилди. Мулоқот давомида Мўғулистон ҳукумати раҳбари Ўзбекистонда давлат бошқарувини модернизация қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақамли трансформация соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга юқори баҳо берди. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва прагматик ҳамкорликни таъминлашдаги роли қитъа давлатлари учун улкан тажриба мактаби экани таъкидланди.


Мўғулистон Миллий олимпий кўмитаси раиси ва Бош вазир маслаҳатчиси Баттушиг Батболд билан учрашувда Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги ислохотлари ва халқаро ареналардаги тарихий ғалабалари инсон капиталига киритилаётган инвестиция натижаси сифатида эътироф этилди.

Мўғулистон Халқ партиясининг халқаро масалалар бўйича котиби Цэлмүүн Манлайжав билан кечган мулоқотда ЎзLiDeP ва МХП ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш истиқболлари келишиб олинди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ЎзLiDeP вакиллари-нинг ICAPP Доимий кўмитасининг 45-йиғилишидаги иштироки ва Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли тузилма раҳбариятига киритилиши бўйича ташаббус — мамлакатимиз олиб бораётган очиқ, изчил ва халқаро даражадаги прагматик сиёсатнинг мантиқий эътирофидир.

Бугун Ўзбекистон нафақат иқтисодий ва дипломатик алоқаларда, балки глобал сиёсий кучларни бирлаштирувчи партиялараро платформаларда ҳам ўзининг фаол ўрнига эга бўлмоқда. ЎзLiDeP ушбу жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида, юртимиздаги демократик ислохотлар моҳиятини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш ҳамда давлатимизнинг геосиёсий мақомини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаверади.

Бахтиёр ЯКУБОВ,
ЎзLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари



ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

ОДАМЛАРГА БАЛИҚ БЕРИШ ЭМАС, АКСИНЧА, БАЛИҚ ТУТИШНИ ЎРГАТИШ КЕРАК!

дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси, иқтисодиёт фанлари доктори **Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ**

– Зафар Раҳимович, янги таҳрирдаги Конституциямизни тайёрлашда бевосита иштирок этгансиз ва сизнинг ўндан ортик тақлифларингиз қабул қилинган экан...

– Мақтанаяпти деб ўйламанг яна, очиги, энг бахтли ва омадли депутатлардан бириман, десам бўлади. Боиси 2022-2023 йилларда янги таҳрирдаги Бош қомусимизни ишлаб чиққан 47 кишилик Конституциявий комиссия таркибида бевосита фаолият юритдим. 2022 йил 20 майда ташкил этилган комиссия иш бошлаганида “Конституцияни янгитдан қабул қиламизми ёки янги таҳрирдами?”, “Моддалар сони ўзгарадими?” каби саволлар қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Якунда сиёсий-ҳуқуқий кўламдан келиб чиқиб, Асосий қонунни янги таҳрирда баён этишга қарор қилинди, қабул қилинган кунни эса саклаб қолинди. Лойиҳа таркиби қайта кўрилиб, янги моддаларга мустақил рақамлар берилди.

Биз, бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаси 2022 йилнинг 25 июнидан умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Халқимиздан тақлифлар қўлиги боис муддат икки марта (аввал 15 июлгача, сўнг 1 августгача) узатирилди.

2023 йил 9-10 март кунлари қуйи палатанинг ялпи мажлисида лойиҳа матни маъқулланди. Бу кунлар мен учун ҳам тарихий бўлди. Муҳокамаларда аввалги Конституциянинг 105-моддасидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисини сайлашга оид норма (янги таҳрирда 127-модда) юзасидан тақлиф киритдим. Мен “раис” – бу лавозим экани, унда аёллар ва ёшлар ҳам ишлаши мумкинлигини, “оқсоқол” эса алоҳида мақом эканини асослаб бердим. Тақлифим қўллаб-қувватланиб, моддадан “оқсоқол” сўзи чиқариб ташланди.

Конституциявий ислохотлар жараёнида давлатимиз раҳбари комиссия аъзолари билан бир неча бор маслаҳатлашув ўтказиб, энг бахсли нормаларга аниқлик киритиб берганини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим.

– Зафар ака, сиз Норин туманида туғилиб ўсган экансиз, меҳнат фаолиятингизни ҳам оддий иқтисодчилардан бошлагансиз. Қишлоқ ҳаёти ва дала меҳнати сизнинг бугунги кундаги қатъий характерингиз ва иқтисодчи сифатидаги қарашларингиз шаклланишига қандай таъсир қилган?

– Мен буюк адибимиз Саид Аҳмад таъбири билан айтганда, “кичик Мовароуннахр” – Норин ва Қорадарё оралиғида жойлашган Норин туманида туғилиб ўсганман. Қаяерда туғилиш инсон ихтиёрида эмас, лекин ўша муҳитнинг тақдиримизга таъсири катта. Тарихдан маълумки, дарё бўйида ашаган халқлар характерида қатъият, чўртқесарлик ва курашувчанлик устувор бўлади. Менинг дунёқарашим ҳам балки ана шу замин таъсирида шакллангандир.

Гарчи собиқ Иттифок даврида мактабда ўқиган бўлсам-да, мустақил Ватанимизнинг олий таълим даргоҳи – Тошкент давлат аграр университетининг илк битирувчиларидан бири бўлиш бахти насиб этди. Меҳнат фаолиятимни истиқлолнинг илк йилларида, Норин туманидаги А. Шамситдинов номидаги жамоа ҳўжалиғида, уйимдан ўн чақирим узоқда иқтисодчиликдан бошладим.

Эркин давлатимиз келажаги биз каби ёшлар қўлида эканини ҳис қилиб, бор вужудим билан ишладим. Хатто тунги йўлларда бўрилиб увилаб, қўлимга тош олиб ўзимни ҳимоя қилганларим, пахта мавсумида ишхонада тунаб қолган кунларим ҳамон ёдимда. Олий даргоҳни имтиёзли диплом билан битирганим боис диплом ишим мавзуси – қишлоқ хўжалиғида рентабеллик (фойдадорлиқни) оширишга оид янгилликларни амалиётга тадбиқ этиш йўлларини изладим.

Мени кўпроқ бир савол ўйлантирди: нима учун пахта оппоғу, уни ештирадиган деҳқоннинг қосаи оқармайди? Иқтисодчи сифатида барча иқтисодий муносабатлар замирида мулкый масалалар ётишини яхши билардим. Муаммонинг ечимини мулкка бўлган муносабатни “бизники”дан “меники”га ўзгартиришда кўрдим. Деҳқонларга “ер меники, даромад ҳам меники” деган ғояни сингдириш учун бригада ва бўғин (эвено) ерларини оилавий пудрат асосида бўлиб бериш, меҳнат самарасини пировард ҳосил даромадига боғлаш ташаббусини илгари сурдим. Бу янгилчини раҳбариятга исботлаш осон бўлмади, лекин якунда битта бригадада сынаб кўришга кўндирдим. Натижа кутилганидан ҳам аъло бўлди: режа биринчи бўлиб бажарилди, даромад меҳнатга қараб адолатли тақсимланди. Бунни кўрган бошқа бригадалар кейинги йили ўзлари ушбу тизимга ўтиш ташаббуси билан чиқиди. Алал-оқибат, бу янги механизм Норин тумани тажрибасига айланди. Одамларда ерга нисбатан ҳақиқий эгаллик ҳисси уйғонди. Қисқаси, бугунги фермерлик ҳаракатининг замирида ҳам ўша оилавий пудратнинг асосий мезонлари мўжассам.

Амалиёт ва чуқур таҳлилларга таянган илмий салоҳиятим эса қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг замирида кимларнинг манфаатлари ётганини тез ва теран илғаб олишимда катта ёрдам берапти.

– Сизнингча, депутат сайловчилар ишончини оқлаши ва адолатли бўлиши учун ушбу қайси муҳим ҳислатларга эга бўлиши керак? Сизга 2023 йилда “Адолатли депутат”

мақоми берилган эди. 2024 йилда эса давлатимиз раҳбари томонидан юксак мукофот – “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирландингиз. Бу эътирофлар зиммангизга яна қандай янги вазифаларни юкляди?

– Депутат ўз сайловчиларининг ишончини оқлаши ва адолатли бўлиши учун, биринчидан, ўз халқини, унинг бир қисми бўлган сайловчиларини севиши керак! Депутат шу халқ, шу сайловчиларнинг вакили, демак уларнинг дарди унинг дарди, уларнинг қувончи унинг қувончи бўлиши керак. Уларга бобо-буви, ота-она, опа-сингил, ака-ука, фарзандига нисбатан қандай муносабатда бўлса, шундай бўлиши лозим. Иккинчидан, ўзини сайловчилари билан бир тану бир жон деб ҳис қилиши керак. Акс ҳолда дардга дармон бўла олмайд. Учунчидан, депутат – қонун ижодкори ва унга амал қилишда ҳам барчага ўрнак бўлиши даркор! Президентимиз таъбири билан айтганда, “Депутат – бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсон” бўлиши шарт!

Шу ўринда иккинчи бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланганимни алоҳида таъкидлашни истардим. Илк бор сайланганимда ўз-ўзимга: “Ҳар бир қонуннинг мазмун-моҳиятига чуқур кириб бориб, халқ манфаатларини унда акс эттириш учун бор куч, билим ва тажрибамни ишга соламан”, деб ваъда берган эдим. Ўтган чақирикда бу ваъданинг устидан чиқа олдим, деб ўйлайман. Тилга олганингиз эътирофлар зиммамга янада кўпроқ меҳнат қилиш масъулиятини юкляди.

– Деяри ҳар ойда сайловларингиз ҳузурига шоъиласиз. Одамларни бугун асосан қандай масала ва муаммолар қийнапти деб ўйлайсиз? Сизга қилинган мурожаатлар ичида энг кўп ёдингизда қолгани ва ижобий ҳал этилганида ўзингиз ҳам хурсанд бўлган воқеани сўзлаб берсангиз.

– Мен мажоритар сайлов тизими асосида 25-Наманган вилояти сайлов округидан сайланганман. Бу округ таркибига Мингбулоқ, Наманган ва Давлатобод туманлари тўлиқ қиради.

Ҳа, сайловчиларим билан мунтазам учрашиб тураман. Агар депутат халқ ичида бўлмаса, унинг дардини қаердан билсин? Парламент регламенти ҳам бунга кенг имконият яратган – ҳар ойнинг сўнгги ҳафтасини сайлов округларида ўтказамиз. Вазифамиз нафақат қонун ижодкорлиги, балки қонунлар ижросини назорат-таҳлил қилиш ва қабул қилинаётган ҳужжатлар мазмун-моҳиятини халққа етказишдир. Шу билан бирга, жойлардаги муаммоларни тинглаб, ваколатимиз доирасида уларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз.

Бугун аҳоли мурожаатларида янги бир тенденция кўзга ташланмоқда. Авваллари фуқаролар кўпроқ шахсий масалалар билан чиқишган бўлса, ҳозирда жамоатчилик учун муҳим бўлган муаммоларни кўтаришмоқда. Одамлар ёшлар бандлиги, иш ўринлари яратиш, ичимлик ва оқова сув тармоқларини тортиш, ирригация тизимини яхшилаш, газ-электр таъминоти, йўллар ҳамда ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш дас-турларига киритиш масалаларида жон кўйдиришмоқда. Хатто қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириб бўйича тақлифлар беришяпти. Юқорида янги таҳрирдаги Конституцияга муҳокамаси ҳақида гапирган эдим, ўшанда ҳам сайловчиларим экологик ҳуқуқларни мустаҳкамлаш, мулк даҳлсизлиги ҳамда қонунчиликдаги ноаниқликларни инсон фойдасига ҳал этиш каби конституциявий даражадаги муҳим тақлифларни илгари суришган эди.

Айрим муаммоларни жойларда ҳал этиш учун вақт ва катта маблағ талаб этилади. Мамлакатимиз раҳбарининг бизга ўз округимиздаги муаммоларни ҳал этиш учун йилга 3,3 миллиард сўмдан маблағ ажратishi борасидаги ташаббуси бу борада айна мударра бўлди. Президентимизнинг 2025 йил 29 августдаги “Ташаббусли бюджет жараёнларини тақомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ташаббусли бюджетда ғолиб бўлмаган лойиҳаларни депутат ташаббусига кўра ғолиб деб эълон қилиш ваколати берилди. Бу бизнинг масъулиятимизни ҳар қачонгидан-да оширди.

Биз бу ваколатдан биринчи марта унумли фойдаландик. Округимга қарашли Мингбулоқ туманининг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган, оғир тоифадаги Бешсерка маҳалласи аҳли мурожаат қилиб, ҳудуднинг бош қон томири ҳисобланган Булоқбоши кўчасининг 3 километрлик қисми яроқсиз ҳолга келиб қолганини айтиб, таъмирлашда кўмак сўрашган эди.

Ушбу йўлнинг созланиши ҳудуддаги занжирли ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига йўл очди. Боиси, бу йўл нафақат ички кўча, балки Янги Гулбоғ ва Бешсерка маҳаллаларини боғлайдиган муҳим артериядир. Унинг таъмирланиши аҳолининг туман марказига бориш-келиш вақтини қисқартирди, қўшни Поп тумани ва Қўқон шаҳрига боровуларнинг мушкуллини осон қилди. Йўл бўйида янги хизмат кўрсатиш шохобчалари ва дала дўконлари иш бошлади. Энг муҳими, маҳаллада етиштирилладиган асосий маҳсулот — мош савдоси учун янги логистика имкониятлари очилди. Тадбиркорларда замонавий мош саралаш ва қадоқлаш цехлари қуришга қизиқиш уйғониб, маҳсулотни тўғридан-тўғри даланнинг ўзидан экспортга чиқариш имкони яратилмоқда. Шунингдек, тез тиббий ёрдам ва фавқулодда хизмат машиналари ўз вақтида етиб келадиган бўлди. Хуллас, янги ваколатимизни илк бор мана шундай хайрли ишга сарфлаб, халқимизни хурсанд қила олдик.

– Депутатнинг энг самарали қуроли – депутатлик сўрови. Лекин сир эмаски, баъзи ижро ҳокимияти органлари ёки мансабдор шахслар депутат сўровига ҳўжақўрсинга ёки вақтни чўзиш учун юзаки жавоб беришга ўрганиб қолмишган. Айтинг-чи, фаолиятингизда айнан сизнинг сўровингизга бепасандлик билан қараган ёки ишни пайсалга солган раҳбарлар учраганими? Бундай тўсиқларни қандай енгиб ўтаяпсиз ва яқин орада юборган сўровларингиз орасида айнан халқ кутган қайси муаммо узил-кесил ҳал бўлди?

– Депутатлик сўрови – ҳақиқатан ҳам халқ вакилининг қонун билан қафолатланган энг таъсирчан қуролидир. Лекин фаолиятимда сўровга панжа ортидан қараб, аввалдан тайёрлаб қўйилган шаблон (намуна) асосида юзаки жавоб қайтарадиган мансабдорлар ҳам учраб туради. Бундай тўсиқларни фақат қатъият ва изчиллик билан енгил мумкин. Агар юзаки жавоб келса, уни асло қабул қилмайман ва рад этаман. Масала аниқ далиллар билан қайта кўриб чиқилишини талаб қиламан. Зарур бўлганда, муаммони қўмита, ҳатто парламент сўрови даражасига олиб чиққан ҳолатлар бўлган.

Биргина мисол: 2024 йилда сайловчилар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бўзилишига доир чиқарилган қарорлар ва юборилган хабарномалар юзасидан кўплаб эътирозлар билдирилди. Одамлар асоссиз ёки нотўғри расмийлаштирилган жарималарга нисбатан ўз эътирозларини билдириш имконияти йўлқилгидан, ноил-ложикдан жарима тўлашга мажбур бўлишяётган эди. Ушбу масала юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги менинг масъуллимда парламент сўрови юборилди. Унда ички ишлар органлари тизимида йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича қайта алоқа, яъни ҳайдовчи қарордан норози бўлган тақдирда электрон мурожаат қилиш хизмати рақамлаштирилмаганига алоҳида эътибор қаратдик. Бу сўров қутилган натижани берди: 2024 йилнинг 3 июль кунини Вазирилар Маҳкамасининг мазкур хизматини тўлиқ рақамлаштиришга оид тегишли қарори қабул қилинди.

Алоҳида таъкидламоқчиманки, депутатлик сўрови – шахсий амбияти эмас, балки одамлар ҳақли талабининг расмий кўринишидир. Шу боис кўтаришган масалани охирига етказиш – вийждон иши. Сўровни қабул қилган мансабдор шахслар эса халқ вакилининг ортида минглаб сайловчиларнинг манфаати ва овози турганини асло унутмасликларини истардим.

– АҚШ, Туркия, Дания, Венгрия каби давлатларда малака ошириб, парламент дипломатиси билан шуғуллангансиз. Ушбу ривожланган давлатларнинг қандай ибратли тажрибаларини бизнинг маҳаллий бошқарув тизимида ёки маҳаллалар ривожига қўлланилишини истардингиз?

– Дарҳақиқат, парламент дипломатияси ва малака ошириш дастурлари доирасида бир қатор ривожланган давлатларда бўлиб, катта тажриба орттирдим. Ҳар бир мамлакатдан ўзига хос хулоса ва сабоқлар билан қайтдим.

Масалан, Данияда кооперация ва жамоатчилик иштироки шу даражада ривожланганки, оддий фуқаро ўз ҳудуди тақдирига оид қарорларга бевосита таъсир ўтказа олади. Маҳаллий кенгаш сессияларида бирор масала кўтарилса, фуқаролар ўзи ҳуқуқли фаолиятини тўғридан-тўғри мажлислар залида ўтириб кузатиш имкониятига эга. Туркияда муниципалитет тизими ҳамда шаҳарларнинг биродарлашуви тажрибаси, АҚШ ва Венгрияда эса жамоатчилик назорати ва очикликнинг юқори даражада экани диққатга сазовор.

Ҳўш, бу тажрибалардан маҳалла тизимимизга нима олиб кирилди? Биринчидан, маҳаллаларнинг ўз бюджетига эга бўлиш тизими кучайтирилди. Иккинчидан, “халқ бюджети” тамойили, яъни маблағ қаерга сарфланишини фуқароларнинг ўзи ҳал қилиш механизми шаклланди. Учунчидан, қишлоқ жойларида кооперация ривожлантирилиб, фермер ва тадбиркорларни бирлаштириш орқали уларнинг рақобатбардорлигини ошириш йўлга қўйилди. Албатта, бу тажрибаларнинг ҳуқуқий асослари қонунчилигимизда ўз аксини топди. Эндilikда маҳаллаларни замонавий бошқарувнинг интеграциялашган тизими билан бойитсак, қутилган натижаларга эришишимиз янада тезлашади.

Шу билан бирга, бизнинг ҳам дунёга айтар сўзимиз, ўзимизга хос тажрибамиз бор. Шу боис ҳорижий сафарларда юртимиздаги ижобий ислохотларни ҳам тарғиб қиламан ва айрим жиҳатларда устунчилигимизни сезаман. Асосий масала нимада, биласизми? Қарашларнинг кенглигида! Биз “маҳаллача”, “қишлоқча” ёки “туман доирасидаги” қарашларимизни кенг қамровли “дунёқараш”га айлантиришимиз керак. Шундагина оддий муаммоларга “янги велосипед ихтиро қилмасдан” тўғри ва оқилона ечим топа оламиз.

– Мамлакатимизда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида улкан ислохотлар бошланди. Лекин тан олиш керак, ҳали ҳам маҳаллаларда ижтимоий дафтарларга кириш, берилётган имтиёзли кредитларнинг самарадорлиги

борасида эътирозлар бор. Иқтисодчи олим ва депутат сифатида айтинг-чи, одамларни боқимандалик кайфиятидан чиқариш ва ҳақиқий даромад эгасига айлантириш учун маҳаллабай ишлаш тизимида яна нималарни ўзгартиришимиз керак? Сизнингча, камбағалликни фақат пул бериш билан ўзгартириб бўладими?

– Жуда муҳим ва оғрикли савол. Очик айтман: йўқ, камбағалликни фақат пул, моддий кўмак бериш билан бартараф этиб бўлмайди. Бундай тоифадаги одамларга балиқ бериш эмас, аксинча балиқ тутишни ўргатиш билан натижага эришиш мумкин, бу оддий ҳақиқатни ҳаммамиз биламиз, лекин амалда баъзан унутиб қўямиз. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури – инқилобий ислохот. Лекин унинг натижадорлигида ҳали эътирозлар бор. Муаммо шундаки, баъзан берилатган кўмак одамни оёққа турғизиб ўрнига, боқимандаликка ўргатиб қўяди.

Менимча, маҳаллабай ишлаш тизимида бир нечта жиҳатни ўзгартиришимиз керак. Биринчидан, кўрсатилаётган ёрдам шунчаки “берилди-бўлди” эмас, балки аниқ натижага хизмат қилиши шарт. Кредит олган фуқаро уни даромад манбаига айлантирдими, доимий иш ўрни яратилдими – бу тизимли назоратда бўлиши лозим. Иккинчидан, ҳар бир оилга индивидуал ёндашув зарур: кимдир кредитга, кимдир касб-ҳунарга, бошқа биров эса маҳсулотини бозорга чиқаришда кўмакка муҳтож. Халқона айтганда, “Битта дори ҳамма дардга даво бўлмайди”. Учунчидан, энг муҳими – одамларнинг дунёқарашини, психологиясини ва меҳнатга муносабатини ўзгартириш шарт.

Шу тобда ёшлик йилларимдаги бир тажриба ёдимга тушди: жамоа ҳўжалиғида ерни оилавий пудрат асосида бўлиб берганимизда, одамлар ерга “меники” деб қарай бошлаган захоти меҳнат самарадорлиги кескин ошган эди. Демак, энг асосий вазифа – инсонга мулкдор, даромад эгаси бўлиш имконини бериш ва унда “Мен ўз меҳнатим билан ериша оламан”, деган ишончни уйғотишдир. Камбағалликдан фаровонликка элтувчи йўл айнан мана шу муносабатни ўзгартиришдан бошланади.

– Табиийки, ҳар бир инсоннинг шахсияти шаклланишида қайсиدير китоб ёки фильм кучли таъсир кўрсатади, тўғрими? Сизнинг дунёқарашингизни ўзгартира олган, мураккаб вазиятларда тўғри йўл кўрсатган ёки сиёсат оламига киришингизга туртки бўлган энг муҳим китоб ёки фильм борми? Улардаги қайси қаҳрамонни ўзингиз учун идеал деб ҳисоблайсиз?

– Дунёқарашим шаклланишида китобнинг ўрни бекиёс. Отам тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлгани учунми, бопалигимдан китоб мутлоааси мен учун оддий ҳаётий эҳтиёгга айланган. Идеал қаҳрамон ҳақида гапирсам, мен афсонавий образларни эмас, балки реал ҳаётда ўз халқига фидойилик кўрсатган, билим ва адолат йўлида тинмай меҳнат қилган инсонларни ўрнак биламан. Чунки энг катта қаҳрамонлик – баландаровоз сўзларда эмас, ҳар кунини ўз вазифасини виждондан адо этишда, одамларга наф келтиришдадир. Шу боис мардлик, ор-номус, Ватанга ва муҳаббатга садоқатни, дала ва қишлоқ ҳаётини, оддий меҳнаткаш инсон қалбини теран акс эттирган асарлар менга ҳамма ибрат бўлган. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов ва Тоғай Мурод жодо менга жуда яқин. Сийёсий адабиётлар орасида эса италяни фйласуфи Никколо Макиавеллининг “Ҳўкмдор” асарини севиб мутлола қиламан.

Фильмларга келсак, “Табиб” номли поляк фильмининг такрор-такрор томоша қиламан. Ушбу фильмдан олган энг катта ўғитим шу бўлди: агар илминг, билиминг ва тажрибанг бўлса, уларни одамларнинг қорига ярашга сарфла!

Халқимизда: “Яхшилик қил, сувга от, билса балиқ, билмаса Холиқ билар”, деган доно нақл бор. Мен ҳам ахир дарё бўйида туғилиб ўсганман, шунинг учун яхшиликларимни сувга отишга ўрганганман (ҳазил).

Шу даражага етишимга бор куч-қувватларини сарф этган дарёдил инсонлар – раҳматли ота-онам, устозларим айнаи дамда бирма-бир кўз ўнгимдан ўтди. Илк ҳарфни таъинитган Камолиддин Омонов, илмий изланишда профессор Абдувоҳид Абдуғаниев, амалиётда Мухаммадйўлдош Тўраев (барчаларини Аллоҳ раҳмат қилсин), ҳокимлик тизими ва сиёсат бобида Икромхон Нажмиддинов каби устозларим менга беғараз кўмак беришди, ўз фарзандидек кўришди. Мени шундай яхшилар билан сийлагани учун Яратганга шукрона келтираман.

“Куш уясиди кўрганини қилади”, деганларидек, икки фарзандим магистрлик даражасини олишди, келинларим (мен уларни қизларим дейман) ҳам, улар ҳозирда докторантурада илмий изланишларини давом эттиришмоқда. Уларга берадиган асосий ўғитим битта: нажот – таълим, билим ва илмдадир! Олти нафар набирамнинг ҳар бирига исм ва фамилия танлашга жуда жиддий эътибор берганман. Улар – Шукрона, Қувончбек, Хуриш, Элшод, Шодиёна ва Шамшод. Эътиборлиси, уларнинг фамилиялари ҳам олти хил: Зафарзода, Зафарий, Зафаршох каби шаклларда танланган. Бу – замирида чуқур маъно ётган алоҳида бир мавзу бўлиб, ворисларимга қолдирётган ўзига хос маънавий меросим, ўғитларим рамзидир.

“XXI asr” мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА сўхбатлашди.

Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди

ХАР ҚАНДАЙ СИЁСИЙ КУЧНИНГ КУЧИ ВА ТАЪСИРИ УНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ОРАСИДА ҚАНЧАЛИК ОБРЎ-ЭЪТИБОР ТОПГАНИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ. ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИНИНГ “ХАЛҚ БИЛАН БИРГА” УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ АЙНИ ШУ МАҚСАДГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА, ДЕСАҚ, МУБОЛАҒА БЎЛМАС. БУГУН УШБУ ЛОЙИХА ДОИРАСИДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ВИЛОЯТЛАРИ, ШАҲАР ВА ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР ТИЗИМЛИ РАВИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

НАВОЙЙ

Халқ билан фаол мулоқот қилиш, одамларни қийнаётган муаммоларни бевосита жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ва уларга тезкор чора кўриш бугунги давр сиёсатининг бош талабидир. O‘zLiDeP томонидан амалга оширилаётган “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасидаги сайёр қабуллар тизими айнан шу мақсадга – давлат ва халқ ўртасидаги ишонч кўпригини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Дастур доирасидаги навбатдаги йирик ва натижадор очиқ мулоқот Кони-мех туманида ташкил этилди. Туман ҳокимлиги биносига ўтган мазкур тадбирда O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов ҳам иштирок этиб, аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан мулоқотда бўлди. Самимий ва қизғин руҳда кечган сайёр қабулда туман ҳокими Руслан Рўзиев, маҳаллий кенгаш депутатлари, барча соҳа ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари раҳбарлари ҳамда 200 нафардан ортиқ сайловчилар жам бўлишди.



Қабул жараёни баландпарвоз гаплардан йироқ, аниқ амалий натижадорлик руҳида ўтди. Фуқаролар томонидан иш билан таъминлаш, ер ва мулк муносабатлари, коммунал хизматлар, тоза ичимлик суви ва электр таъминотини яхшилаш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш каби кундалик ҳаётий ва инфратузилмавий масалалар юзасидан мурожаатлар билдирилди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, қабулда жами 41 та расмий мурожаат рўйхатга олинди. Эътиборлиси ва қувонарлиси, масъул ташкилотлар раҳбарларининг бевосита жараёнда ҳозир бўлганлиги боис, ушбу мурожаатларнинг 37 таси шу жойнинг ўзидаёқ ижобий ечимини топди. Қолган мураккаб ва вақт талаб этадиган мурожаатлар бўйича фуқароларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилиб, ижроси қонунчилик доирасида назоратга олинди ва мутасадди идораларга аниқ топшириқлар сифатида юклатилди.

Тадбир якунида партия раҳбари Актам Хаитов сўзга чиқиб, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ва оила манфаати турганини алоҳида таъкидлади ҳамда туман мутасаддиларига аҳоли билан мулоқот маданиятини янада юксалтириш, ҳар бир масалага юксак масъулият билан ёндашиш юзасидан вазифаларни белгилаб берди.

Актам ХАИТОВ,
O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:

– “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури шунчаки тарғибот лойиҳаси эмаслигини ҳаммамиз биламиз. Бу – одамлар орасига кириш, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш ва эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашнинг ҳаётий механизмидир. Бугун Конимехда кўтарилган масалаларнинг аксарияти жойида ҳал бўлгани – ижро ҳокимияти ва партияимиз депутатлик корпусининг ҳамкорликдаги самараси бўлди, десам арзийди. Биз ҳар бир мурожаатга инсон қадрини нўқтаи назаридан ёндашишимиз ва жойларда назорат тизимини су-сайтирмаслигимиз шарт.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Халқ розилиги – бош мезон. Бугун одамлар ислохотлар самарасини ўз кундалик ҳаётида, маҳалласи ва хонадонида сезиши лозим. O‘zLiDePнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий лойиҳаси доирасида жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар айлани шу мақсадга – аҳолининг муаммоларини тинглаш ва уларга тезкор, манзилли кўмак кўрсатишга хизмат қилмоқда. Ростғўй ва қутилган мулоқотларнинг навбатдаги манзили Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл тумани бўлди.

Туманда ташкил этилган оммавий қабулда кенг қамровлилик таъминланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Равшан Мамутов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси, O‘zLiDeP фракцияси раҳбари Шарапат Отемисов, Жўқорғи Кенгес депутати Жанибек Ситтиев, маҳаллий кенгаш депутатлари, туман сектор раҳбарлари ҳамда давлат идоралари ва банклар вакиллари иштирок этдилар.



Қабул билан бир вақтда ҳудудда бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳамда мутасадди ташкилотларнинг хизмат кўрсатиш кўргазмалари ташкил этилгани келганлар учун қўшимча қулайлик яратди. Тадбирда 350 нафардан ортиқ тўртқўлликлар иштирок этиб, ўзларини қийнаб келаётган ичимлик суви, электр қуввати, табиий газ таъминоти, кадастр, имтиёзли кредит олиш, тиббий хизмат ва бандликка оид долзарб мурожаатларини ўртага ташладилар. Ҳар бир масала синчиклаб ўрганилиб, мурожаатларнинг салмоқли қисми жойида ижобий

ҳал этилди, вақт талаб қиладиганлари эса қатъий назоратга олинди.

Энг муҳими, ушбу сайёр қабул шунчаки суҳбат эмас, чинакам амалий ёрдам майдонига айланди. Тадбир якунида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги хайрли ишлар бажарилди:

ИЖТИМОЙ КЎМАК: 5 нафар ногиронлиги бўлган фуқарога замонавий ногиронлик аравачалари топширилди;

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК: 2 нафар фуқарога паррандачиликни йўлга қўйиш учун инкубатор, 3 нафар хотин-қизга эса пишириқ тайёрлаб даромад топишлари учун махсус печлар берилди;

ЁШЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВИ: 5 нафар талаба ёшнинг олий таълим муассасасидаги контракт тўловлари қоплаб берилди;

САЛОМАТЛИК ВА БАНДЛИК: 5 нафар нуронийга санаторийларга бепул йўланма берилди, 5 нафар фуқаро (шундан 3 нафари аёллар) эса доимий иш ўрнига жойлаштирилди.

Мулоқотлар залдагина чекланиб қолмади. Тадбирдан сўнг Қонунчилик палатаси депутати Равшан Мамутов ҳаракатланиши чекланган ва ногиронлик аравачаси сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг хонадонларига шахсан таширф бурюди. Депутат уларнинг ҳолидан хабар олиб, дилдан суҳбатлашди ва ижтимоий воситаларни ўз қўли билан топширди. Хонадон эгаларининг юзидаги қувонч ва дуолари амалга оширилаётган “Халқ билан бирга” дастурининг асл ҳаётий ифодаси бўлди.

Равшан Мамутов,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Бизнинг бош вазифамиз – фақатгина кабинетларда ўтириб ёки залларда мурожаат эшитиш билан чекланиш эмас. Чинакам сиёсий куч халқнинг ичига, одамларнинг хонадонига кириб бориши, айниқса, кўмакка муҳтож фуқароларнинг дардини жойида ҳис қилиши керак. Бугун Тўрткўлда тингланган ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турибди. Кимгадир тадбиркорлик учун печь, кимгадир инкубатор, яна бир оилага эса фарзандининг ўқиши учун шартнома пули берилди. Булар шунчаки рақамлар эмас, балки оилаларга кириб борган ҳаётий ечимлардир. “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш тизимини янада кучайтирамиз.

САМАРҚАНД

Вилоятда аҳоли муаммоларини жойида ўрганиш ва уларга амалий ечим топиш мақсадида Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида ташкил этилаётган сайёр қабуллар изчил давом этмоқда. Навбатдаги очиқ ва натижадор мулоқот Тойлоқ туманида Халқ қабулхонаси ва туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда O‘zLiDeP вилоят кенгаши раиси Илҳом Ботиров, туман ҳокими Бехзод Раҳматллаев, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда сектор ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.



Қизғин ва самимий руҳда ўтган мулоқотда тумanning 17 та маҳалласидан келган 100 нафарга яқин фуқаро қатнашиб, ўзларини қийнаб келаётган масалаларни масъулларга бевосита етказиш имкониятига эга бўлдилар. Очиқ мулоқот давомида аҳолидан жами 46 та расмий мурожаат қабул қилинди. Атрофлича таҳлиллар шуни кўрсатдики, мурожаатларнинг салмоқли қисми аҳолининг мулк ҳуқуқларини расмийлаштиришга бўлган эҳтиёжи юқорилиги сабабли кадастр ва уй-жой муносабатларига тўғри келди. Шунингдек, ичимлик суви, электр таъминоти, ички йўллари таъмирлаш, бандлик ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид мурожаатлар ҳам ўртага ташланди.

Эътиборлиси, қабулда ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, оила манфаати тургани алоҳида ҳис қилинди ва муаммолар шунчаки қайд этиб қўйилмасдан, уларга ҳаётий ечим изланди.

Шафоат Норматова,
Таллиота маҳалласи фуқароси:

– Алимент ундириш масаласида узоқ вақтдан буён муаммога дуч келаётган эдим. Бугун масъуллар билан бевосита гаплашиб, дардимни айтдим. Мурожаатим назоратга олиниб, тегишли ташкилотларга қатъий топшириқ берилганидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Жамшид Жабборов,
Укращ маҳалласи фуқароси:

– Маҳалламиздаги электр таъминотини яхшилаш масаласида мурожаат қилгандим. Жараёнинг ўзида мутахассислар томонидан ҳудудга 1 кмлик кабель ажратиш таклифи қилиниб, мурожаатим ижобий ечим топдиган бўлди. Бу каби қабуллар оддий одамлар учун жуда зарур.

Абдуҳамид Зокиров,
Қўшчинор маҳалласи фаоли:

– Маҳалламиздаги мактаб ва боғчаларнинг қуввати аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қопламаётган эди. Шу боис янги ўқув бинолари қурилиши бўйича таклифимни билдирдим. Масала масъуллар томонидан назоратга олиниб, яқин орада ўрганиладиган бўлди.

Дарҳақиқат, сайёр қабулда билдирилган ҳар бир мурожаат тегишли ташкилот ва идораларга бириктирилиб, ижросини таъминлаш юзасидан аниқ муддатлар белгиланди. Айрим масалалар қабул жараёнининг ўзидаёқ ҳал этилиб, фуқароларга ҳуқуқий ва амалий тушунтиришлар берилди. Мутахассислар ва халқ вакиллари фикрича, бундай очиқ мулоқотлар аҳоли муаммоларини эрта аниқлаш, уларнинг ечимини тезлаштириш ҳамда давлат органлари билан жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали аҳоли розилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Насиба МЎМИНОВА,
O‘zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши бўлим мудир,
Тойлоқ туман кенгаши депутати

АНДИЖОН

Бугун юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Боиси, тадбиркор аёл нафақат ўз оиласига даромад олиб кириди, балки маҳалладошларини ҳам иш билан таъминлаб, жамиятдаги қўллаб ижтимоий масалаларнинг ечимига ҳисса қўшади.

O‘zLiDePнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия фракцияси аъзоси Муқаддасхон Аҳмедованин Олтинқўл туманидаги Уйшин маҳалласи аҳолиси ва фаоллари билан учрашуви ҳам айлани шу мавзуга бағишланди. Мулоқотлар давомида депутат маҳалладаги мактабгача таълим қамровини кенгайтириш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда намуна бўлаётган “Sabi kids” хусусий мактабгача таълим ташкилоти фаолияти билан яқиндан танишди.



Тадбирда изланувчан ишбилармон аёл Салимахон Ўрмонова ва муассаса раҳбари Хурриятхон Ўрмонованин самарали меҳнатлари алоҳида эътироф этилди. Ишнинг кўзини билган бу ишбилармон аёллар бундан атиги бир йил муқаддам ўз фаолиятини бор-йўғи 10 нафар болажон билан бошлаган эди. Давлат томонидан яратилган имкониятлар ва тўғри ташкил этилган менежмент туфайли бугунги кунда боғчадаги тарбияланувчилар сони 92 нафарга етди. Энг қувонарлиси, ушбу лойиҳа доирасида маҳалланин 23 нафар ишсиз фуқароси, хусусан, хотин-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Бу – биттагина тадбиркор аёлнинг саъй-ҳаракати билан маҳалладаги 23 та оиланин моддий фаровонлиги яхшиланди, деганидир.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган учрашув давомида хотин-қизлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш, фарзандларимиз учун сифатли таълим-тарбия муҳитини яратиш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, мулоқотда фақат ютуқлар билан чекланилмай, ҳудудда ечимини кутаётган сув ва электр таъминоти билан боғлиқ инфратузилма муаммолари ҳам ўртага ташланди.

Депутат аҳоли томонидан кўтарилган ҳар бир масалани синчиклаб ўрганиб, уларни жойида ҳал этиш, маҳаллий дастурларга киритиш ҳамда тегишли ташкилотлар олдида депутатлик сўрови сифатида қўйиш бўйича аниқ чоралар белгилади. Зеро, “Халқ билан бирга” дастурининг бош мақсади ҳам одамларнинг кўнглига йўл ахтариш, уларнинг дардини тинглаш ва муаммоларига амалий ечим топишдан иборатдир.

ЖИЗЗАХ

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлод ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада партия фаоллари ва халқ вакиллари томонидан жойларда ташкил этилаётган маърифий тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга.

O‘zLiDePнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида Шароф Рашидов туманида ўтказилган навбатдаги тадбир ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилди. Унинг доирасида туманда “Бир кунда – 1000 китоб” акцияси юқори савияда ташкил этилди.



Мазкур хайрли ташаббус доирасида Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Ғанишер Аввалбоев Шароф Рашидов туманидаги 2-техникум кутубхонасига бадиий адабиётлар тўпламини совға қилди. Жаҳон ва ўзбек адабиётининг дурдоналаридан иборат ушбу китоблар жамланмиси техникум талабалари ҳамда ҳудуд ёшларининг ёзги таътил кунларини мароқли ва мазмунли ўтказишларига хизмат қилиши шубҳасиз.

Китоблар тақдимотидан сўнг, зиё масканида ўқувчи-ёшлар, депутатлар ва соҳа мутахассислари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мулоқот давомида китобнинг инсон ҳаёти ва маънавий камолотидаги бекиёс ўрни, бугунги рақамли технологиялар асрида ҳам асл китобхонлик маданиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш зарурлиги ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Мазкур акция вилоятнинг бошқа туманларида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

O‘zLiDeP Жиззах вилояти кенгаши
матбуот хизмати



УЛОВ... “ЛОВ”... ОЛОВ...

Шоирликка ўқувимиз бўлсайди, ушбу учта қофиядош сўзларни қўшиб, битта “мих” шеър тўкиб ташлардик. Аммоким, шу сўзлар кетма-кетлиги ортида қандай фожиалар яширин эканини биламизми? Афсус...

Инсоният йўлини яқин, оғирини енгил қилиш учун қўлга ўргатган жониворлардан тортиб, ғилдиракли ҳаракат воситаларининг барчаси **улов – транспорт** ҳисобланади.

Ички ёнув ускунаси кашф қилиниши инсоният тараққиётини кескин тезлаштирди, узоқ масофалар бир қадам бўлди. Уша ёнув ускунаси ичидаги заррача “лов”нинг натижаси бу.

Олов – тилсиз ёв! У инсонни совуқдан асраш, қорини тўйғазишда асқотса, баъзида ҳақиқий “ёв” эканини кўрсатиб қўяди.

Хўш, бу қофиядош сўзларнинг боғлиқ жиҳатлари нимада? Энди эшитинг!

...Қўшнимизнинг ўн саккиз яшар ўғли отаси неча йиллар четда ишлаб топган пулига хархаша қилавериб, охири яп-янги енгил машина олдирибди. Ҳали ҳайдовчилик гувоҳномасиям йўқ эркатой бир ой ўтар-ўтмасдан ҳалиги машинани бошқа бир биродаримизнинг машинасига бориб урди! Алалоқибат униқини таъмирлатиш учун зўрға ўттиз миллион сўм бериб қўтилди. Ўғлининг тўйига атаб боқаётган ҳўкизидан айрилган ота охири машинани гаражга қамаб, қулфлаб қўйишга мажбур бўлди, лекин...

Ярим тунда яна йўлини топиб, ўша йигитча машинани ҳайдаб чиқади. Ёнида ўзи тенги бир жўраси билан. Улар қишлоқнинг янги асфальт қилинган равон йўлида машина қанча тезликка чиқишини синовдан ўтказишади ва 170 километр соат тезликда кетаётганда бошқарувни йўқотиб, йўлдан чиқиб кетади ва уч марта ағдарилиб зовурга қулайди. Худо асрабди ҳалиям, ўзлари омон қолишди. Немис пойгачиси Шумахернинг фанати бўлган қайсарвой машина пулини ишлаш учун ҳозир четга ишга кетган. Пачоғи чиққан машина эса устакхонада. Ота-онанининг юраги тамом бўлди...

Қўйдаги даҳшатли статистикани ўқий осонми? “...Тошкентда уч йигит пойга ўйнаб, авария қилиб ўлибди”.

“...9 синф ўқувчиси автомобиль бошқариб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этди”.

“...Фарғонадаги аянчли автохалокатда 2 нафар 2008 йилда туғилган ўсмир вафот этди”.

Юқоридаги учта нохуш воқеани расмий сайтларнинг сўнги ҳафталарда ёйинлаган хабарларидан олдик. Тафсилотларини келтириб, кўнглингизни хира қилиб ўтирмаймиз. Ўта аянчли!

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йил 1 апрель ҳолатига, Ўзбекистонда жисмоний шахслар номида рўйхатдан ўтган автотранспорт воситалари сони 4,9 миллиондан ошибди! Расмий рақамларга қараганда, аҳолига тегишли автотранспорт воситалари сони 4 миллион 903,1 мингтани ташкил этган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 344,6 мингтага кўп демакдир.

Транспорт воситаларининг мутлақ кўпчилиги енгил автомобиллардан иборат. Уларнинг улуши жами автотранспорт воситаларининг 92,8 фоизига тенг бўлиб, сони **4 миллион 552,3 мингтани** ташкил этмоқда.

Тўғри, шахсий автомобиллар сонининг йил сайин ошиб бораётгани қувонarli ҳолат, халқимизнинг даромади, турмуш фаровонлиги ошаётгани белгиси. Аҳоли жон бошига енгил автомобиллар сони бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қаторига яқинлашиб қолгандирмиз балки. Қолаверса, автоулов ҳашам, обрў эмас, ҳаракат воситаси. Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилади, вақтни тежайди. Бундан қувониш керак. Бироқ...



Табийки ҳар қандай транспорт воситасини бошқариш учун талаб қилинадиган қонун-қоидалар бор. Аввало шахс вояга етган ва ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши шарт. Автомобилни хушёр ҳолатда бошқариш, техник созликка эътибор бериш, белгиланган меъёрий тезликка риоя қилиш ва шунга ўхшаган юзлаб мажбуриятларимиз йўл ҳаракати қоидаларида қатъий белгилаб қўйилган. Уларга риоя қилмаслик белгиланган тартибда жарима ва ҳатто маъмурий қамоқ жазоларига олиб келади.

Йўл ҳаракати қоидаларида ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмасдан рулга ўтирганлик учун белгиланган жарима миқдори кам эмас. Тўғри-да, йўлда қандай ҳаракатланиш, нималарга эътибор беришни билмайдиган шахс фақат ўзининг эмас, бошқаларнинг ҳаётини ҳам хавф остига қўяди. Йўлларда радарнинг кўпайгани, жарима жазолари кучайтирилаётгани туфайли ИТХ оқибатида қурбон бўлаётганлар, жароҳат олаётганлар сони йилдан йилга камаймоқда. Гарчи, радардан норозилик мавзуси ижтимоий тармоқларда энг кўп қузатилса-да, “Бутун дунёнинг шодлиғи бир гўдак кўз ёшига тенг келмайди” дейилмиш ҳақ ибора тарафдоримиз.

...9-синф ўқувчиси билан боғлиқ аянчли ҳолатда айбдор шу оиланинг ўзида-ку! Ёки ҳатто 6-синфда ўқийдиган ўғлига машина бошқартириб, уни тасвирга олиб, мактабни оҳангиде ижтимоий тармоққа жойлаган отанинг хурмача қилқиллари бежиз қизғин муҳокамага айланмади, ахир. Бу каби қонунбузилиш ҳолатлари учун машина эгаси ҳам жазоланиши қонунларимизда белгиланган. Қандай жазо дерсиз? Маълум миқдордаги жарима – бор-йўғи шу. Жарима билан қутулиш айрим сармоядор кимсалар учун ҳақиқати ҳақ эмас! *Ҳамкишлогимизнинг 17 яшар ўғли машина бошқариб, ИПХ ҳодимлари томонидан тўхтатилган ва баённома тузилиб, жаримага тортилганида отаси*

бир маъракада “Ўғлимиз бир эркалик қилибди, жоним соғ бўлса тўлаган жаримани бир ойда ишлаб толамани!” деб мактабганага гувоҳман).

Яна бир энг оғриқли масала, мотоцикл ва скутерларни вояга етмаган шахслар (улар орасида ҳали она сути оғзидан кетмаганлар, устига-устак хотин-қизлар) бемалол бошқаришаётганидир. Гарчи, амалдаги йилдан бошлаб бу турдаги ҳаракат воситаларини бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлиши тартиби амалиётга айлантирилган бўлса-да, ҳозирча бу чора ижобий самара берганича йўқ. Айниқса, қишлоқ жойларида ёш ўсмирлар, аёллар бемалол мотоцикл ва скутерларнинг “чангини чиқариб” ҳайдаб юрибди.

Кўп йиллик ҳайдовчилик тажрибасига эга бир қадрдоним ёзғиради: “Авваллари йўлларда шопирлар учун қўтилмаган энг катта хавф эшак ва от аравалар эди. Бу жониворлар қутилмаганда ҳаракат йўналишини ўзгартириб, йўлнинг қатнов қисмига чиқиб, ИТХга сабаб бўлишарди. Шунинг учун ҳам ҳайдовчилар узоқдан от ёки эшак арава кетаётганини кўришса, тезликни пасайтириб, жуда эътиборли бўлишарди. Бугунги кунда эса мотоцикл ва скутерлар улар ўрнини эгаллади. Бу ҳаракат воситалари от ёки эшак аравадан икки ҳисса хавфлироқ, негаки уларнинг тезлиги ўқорилиги етмагандай, ҳар қадамда оёқ остидан чиқиб қолаверади.

Кейинги пайтларда вояга етмаган шахсларга машина рулини берган фуқароларнинг транспорт воситасини давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида ҳам ижтимоий тармоқда тақдирлар айтилмоқда. Ўз навбатида бу жўяли фикрга қаршилар “мулк дахлсизлиги”ни қалқон қилишяпти. Мулк дахлсизлиги – бу ҳуқуқий-демократик давлатчилик тамойилларидан бири эканлиги рост. Лекин ўша мулк дахлсизлиги инсоннинг тинч, бахтли яшашига дахл

қилмаслиги ҳам керак-да! Эрталаб уйдан не-не ширин орзулар билан чиқиб кетган инсоннинг ҳаётига йўлда ўпкаси йўқ ҳайдовчи нуқта қўйиши қайси ақлга тўғри келади, айтинг?!

Биз енгилгина қилиб “ўпкаси йўқ” деяпмиз. Аксинча, бу атама энди янада кескинроқ тарзда “автотеррорист” дейилаяпти. Балоғат ёшига етмаган, ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ, пойгага ишқибоз бундай кимсаларни ҳеч иккиланмай “одамуш” деб атасак ҳам хато бўлмайди. Ачинарлиси, бундайлар ўз жони эмас, бошқалар ҳаётини ҳам кўкка суvaraётган қотил эмасми?

Ҳозирда паспорти бор фуқаро исталган автосалондан исталган русумдаги енгил автомашинани бир сўм тўловсиз, уч ёки беш йил муддатда тўлаш шарти билан харид қилиб, миниб кетиши мумкин (**шу кунгача бирорта автосалон бирор харидордан ҳайдовчилик гувоҳномаси сўраганига ишонасизми?**).

Бундай енгиллик кўпгина ёшларни “бир кунда бир сўм тўламай енгил машина эгаси бўлиш” “хасталиғи”га чалинтиргани аён. Уларнинг аксариятида ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ, баъзилари эндигина ўқув курсларида ўқиётган бўлишади. Бир юмалаб уловли бўлган шахс ҳар ойлик тўловни топиш учун нима қилади? Биринчи навбатда киракашликка ўзини уради. Масъул идоралар эса дарҳол навбатдаги “ўз-ўзини банд қилган шахс”га лицензия беради. Бундай ёндашув аслида ҳам тўғримиқан?

Киракаш хизмат вазифасига киришар экан, у машинасидаги йўловчилар ва албатта, йўлдаги бошқа автоуловлар ҳаёти учун масъул бўлади. Афсуски, бир кунда лицензияни қўлга қиритган янги ҳайдовчилар ким кўпроқ пул топиш пойгасида бир-бирларини ортада қолдиришга уринишади. Йўллардаги энг кўп автохалокатлар айни киракашлик балоси туфайли келиб чиқаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Саккиз кишидан кўпроқ йўловчи ташийдиган енгил улов ҳамда турли маркадаги автобуслар ҳайдовчиси бўлиш учун ҳайдовчидан маълум муддатли (беш йил ва ундан кўпроқ) ҳайдовчилик тажрибаси бўлиши талаб қилинади. Бу жуда тўғри! Нега ушбу меъёрий киракашларга нисбатан қўллаш мумкин эмас? Кеча ҳайдовчилик гувоҳномаси олган ёшгина йигит бугун киракашлик лицензияси билан йўловчи ташиши қанчалик тўғри?

...Ушбу мақолани ёзиб тугатаётганимизда расмий сайтларда қуйдаги нохуш хабар ёйинланди: “Тошкентда “Lacetti” ва BYD иштирокидаги ИТХ оқибатида уч киши ҳалок бўлди. “Lacetti” чорраҳада чалпа бурилган ва қарама-қарши йўналишда келаятган машина билан тўқнашган. BYDни ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган 2010 йилда туғилган шахс бошқарган”.

Демак, масала ўта оғир: балоғат ёшига етмаган шахсларга автотранспорт воситаси қалитини берган кимсаларни қаттиқроқ жазолаш вақти келмадими? Бу каби жазолан маълум миқдордаги жарима ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоқ билан чекланмаслиги керак! Ёнг мақбул ва тўғри йўли – ўша “ажал арава”ни эгаси қўлидан тортиб олиш! Ана шундагина кўпларнинг кўр кўзлари очилармиди.

...Сарлавҳадаги қофиядош сўзлар ёнига яна битта сўз қўшамиз – СҮРОВ!

Ҳар бир нарсанинг ҳам сўрови бор, ахир!

**Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири**

ФИДОЙИЛАР

ОИЛАДА ҲАМ, ЖАМИЯТДА ҲАМ ЕТАКЧИ

НАВОЙЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИДА ФИДОЙИЛИК КЎРСАТАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Бугунги кунда Навоий кон-металлургия комбинатида 6 минг нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Улар орасида 1 343 нафар олий маълумотли мутахассис, 231 нафар раҳбар аёл, 41 нафар давлат мукофоти совриндорлари ҳамда 4 нафар “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳибаси борлиги комбинатда хотин-қизларга билдирилаётган ишонч ва яратилаётган имкониятларнинг амалий ифодаси ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг қарийб минг нафари 30 ёшгача бўлган истиқболли ёш кадрлардир.

Комбинат хотин-қизлари геология, кончилик, металлургия, энергетика, транспорт, механика, қурилиш, стандартлаштириш, молия-иқтисод ва бошқа муҳим соҳаларда эллик минг кишилик аҳил жамоа билан елкама-елка туриб меҳнат қилмоқда. Улар ўз билим ва тажрибаси, ташаббускорлиги, юксак масъулияти ҳамда фидойилиги билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ва комбинат тараққиётини таъминлашда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Айниқса, комбинат раҳбарияти ташаббуси билан 2025 йил сентябрь ойида “НКМК” АЖ Марказий аппаратида Гендер тенглик ва инклюзивлик хизмати ташкил этилгани, шунингдек, 11 та йирик таркибий бўлинмада жамоатчилик асосида хотин-қизлар вакиллари фаолияти йўлга қўйилгани бу борадаги ишларга янги суръат бағишлади. Мазкур тузилмалар хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда меҳнат жамоаларида соғлом маъна-

вий муҳитни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса комбинатда инсон қадр ва манфаати ҳар қандай бойлиқдан устун эканининг яна бир амалий исботидир.

Жорий йил ҳам комбинат хотин-қизлари учун унутилмас ютуқларга бой бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармонига мувофиқ 1-гидрометаллургия заводи кран машинисти Олия Ибрагимова “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Унинг кўп йиллар давомида 18 метр баландликда жойлашган, 80 тоннагача юк кўтариш қувватига эга кўприкли кранни юксак маҳорат билан бошқариб, технологик ускуналарни ортиш-тушириш ишларини ҳамда гидрометаллургия комплекси капитал таъмиридаги ўта масъулиятли вазифаларни намунавий тарзда бажариб келаяётгани муносиб эътироф этилди.

Яна бир муҳим ютуқ – “НКМК” АЖнинг Олий Мажлис Сенати томонидан ташкил этилган “Гендер тенглик фаоли” миллий танловидида “Гендер тенгликни таъминлашда республика даражасидаги энг фаол

давлат органи” номинацияси ғолиби деб топилганидир. Бу муваффақият комбинатда гендер тенгликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган тизимли ва самарали ишларга берилган муносиб баҳоқдир.

Шунингдек, “Қорақўтон” қони ишчиси Ҳафиза Боймуродова “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди. Республика босқичида ўтказилган “Йил аёли” миллий танловига Шимолий қонь бошқармаси Марказий физика-кимёвий лабораториясининг микробиология ғуруҳи раҳбари Рамила Рангова “Йилнинг энг янги ғоялар ташаббускори” номинацияси ғолиби бўлди. Навоий машинасозлик заводи оператори Дилобар Эргашева эса “Комбинатнинг олтин аёли – 2026” кўрик-танловида бош совринни қўлга киритди.

Хотин-қизларнинг иқтидори ва ижодий салоҳиятини янада рўёбга чиқариш мақсадида комбинатда турли кўрик-танловлар ва лойиҳалар мунтазам ташкил этилмоқда. Жумладан, “Йил аёли”, “НКМК олтин аёли”, “Китобхон оила”, “Ибратли оила” танловлари, “Спорт – нафислик ва саломатлик манбаи!” шиори остида шахмат, шашка, волейбол ҳамда стол тенниси мусобақалари, шунингдек, “Заковат” интеллектуал ўйинлари катта қизиқиш билан ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга, “Оила мустаҳкамлиги – келажак пойдевори”, “Илм ва аёл: барқарор жамият сари”, “Илмли аёл – жамият кўзгуси” мав-



зуларида семинарлар, “Масъулиятли ота-оналик”, “Тенглик ва ҳурмат”, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” лойиҳалари доирасидаги маънавий-маърифий тадбирлар, тарихий қадимжоларга саёҳатлар мунтазам ташкил этилмоқда. “Биз – оиладаги зўравонликка қаршимиз!” ҳуқуқий тарғибот акциялари ҳамда “Миллий либос – миллат қиёфаси, инсон кўрки” шиори остидаги маънавий-маърифий лойиҳалар хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги, маънавий дунёқарashi ва ижтимоий фаоллигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳар қандай ютуқ замирида эътибор, ғамхўрлик ва муносиб рағбат

мужассам. Шу маънода комбинат маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси кенгаши томонидан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб меҳнат ва ижтимоий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ғамхўрликдан руҳланган ҳамкасбларимиз ўз билим ва салоҳиятини комбинат тараққиёти йўлида сидқидилдан сафарбар этиб келмоқда.

Комбинатнинг замонавий ўқув марказлари хотин-қизлар учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Жорий йилнинг ўзида 515 нафар хотин-қиз турли касбларга ўқитилиб, малакаси оширилди, 38 нафари эса

янги касб эгаси сифатида иш билан таъминланди.

– Хотин-қизларнинг халқаро тажрибаларни ўрганиши ва малакасини ошириши учун ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда, – дейди “НКМК” АЖ Гендер тенглик ва инклюзивлик хизмати бош мутахассиси Нигора Амонова. – Айни пайтда бир гуруҳ ҳамкасбларимиз Россия Федерациясининг Кисловодск шаҳрида “Таътил + ўқув дастури” доирасида дам олиш билан бир қаторда малака ошириш ўқувларида ҳам иштирок этмоқда. Яқин куналарда эса беш нафар хотин-қизимиз Чехия Республикасида ўтказиладиган “Гендер тенглик ва инклюзивликка европача ёндашув” мавзусидаги ўқув-семинарда қатнашади.

Хуллас, Навоий кон-металлургия комбинати хотин-қизлари ўзларининг меҳнатсеварлиги, касбига садоқати, юксак масъулияти ва ташаббускорлиги билан нафақат корхона тараққиёти, балки Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва ижтимоий ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Улар қўлга киритаётган ютуқлар, эришаётган муваффақиятлар ва эътирофлар юртимизда инсон қадрини улуғлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати ўзининг амалий самарасини бераётганининг ёрқин ифодасидир.

**Азамат ЗАРИПОВ,
журналист**



МАҒЛУБИЯТЛАР ОРТИДА ҲАМИША ҒАЛАБАЛАР ТУРАДИ!

Уммонортида футбол бўйича Жаҳон чемпионати давом этаётир. Омадли ва омадсизлар сараланиб, кутилган ва кутилмаган натижалардан манама деган башоратчи мухлислар ҳам ҳайратда. Эътиборли жиҳати, ушбу мундиал тарихида илк бор қатнашган тўрт давлат (Ўзбекистон, Иордания, Кабо-Верди ва Кюрасао) орасида бизнинг терма жамоамиз қатнашган гуруҳда кечган ўйинлар ҳақида турли баҳс-мунозаралар ҳамон тўхтагани йўқ. Лекин...

30 июнь куни пойтахтимиздаги Олимпия шаҳарчасида Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Президентимиз Ўзбекистон миллий терма жамоасининг футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги иштирокига ҳам тўхталиб, йигитларимиз кучли рақиблар билан кечган ўйинлар орқали катта тажриба ортиргани, Аббосбек Файзуллаев ва Элдор Шомуродовнинг жаҳон чемпионатидаги илк голлари халқимизга қувонч бағишлаганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган терма жамоамиз аъзоларига ортиқча ҳис-туйғу билан эътироз билдириш, улардан айб қидириш халқимизга хос иш эмас. Аксинча, бугун уларни қўллаб-қувватлаш, руҳини кўтариш ҳар қачонгидан ҳам муҳим, – деди давлатимиз раҳбари.

Хўш, энди айтинг, мана шу умидбахш сўзлар, кўнгилларга ишонч ва таскин бергувчи даъваткор далдалар замирида қандай маъно, мазмун мужассам? Президент ҳар бир мухлисни қийнаётган савол ва жумбоқларга муносиб жавоб топиб берди, тўғрими? Катта ғалабалар ҳали олдинда экани, бунинг учун болалар футболга эътибор кучайтирилиб, ушбу спорт турининг умуммиллий ҳаракатга айлантирилиши, келаси йил январь ойида Саудия Арабистонида ўтадиган Осиё кубогига тайёргарлик ҳозирдан бошланиши бежиз қайд этилмади.

Табиийки, ҳали бу ўйинлар ва энг нуфузли бўлмиш мундиал сабоқлари кўп бора таҳлил этилади. Азалий одат бу, футбол аталмиш сирли дунёнинг ютуқ ва мағлубиятлари тўғрисида баҳс-мунозаралар кейинги жаҳон чемпионатида тўхтамайди ҳам.

Биз эса мазкур чемпионатни синчковлик билан кузатаётган айрим ашаддий футбол мухлисларининг ижтимоий тармоқларда ёритилган илк таассурот, кечинма ва муносабатларини эътиборингизга ҳавола қилмоқни лозим топдик.



Азамат ЗИЁ,
академик, тарих фанлари доктори,
профессор

– Йигитларимизга минг раҳмат! Уялтирмадилар! Ҳеч ким бизга кўлини бигиз қилиб, эглай олмадин-глр-ку, деёлмайдиган даражада тиришиб-тирмашдилар.

Футбол эл-юрти ўлароқ эртани-кеч ўтишимиз ке-рак бўлган синовларга муносиб туриб бердилар.

Ута кескин ва шафқатсиз рақобат тегирмонидан бемалол ўтишимиз мумкинлигини кўрсатдилар.

Кучли ва кучсиз томонларимизни таҳлил қилиш, ўз устимизда ишлаш, айниқса, болалар футболни уюшти-ришда шарт бўлган омилларни юзага чиқариб берди-лар.

Бир сўз билан айтганда, ниҳоят, илк қадамимизда-ги ютқазувни келажакдаги кўплаб эллараро ютуқлари-мизга айлантириш илми борлигини исботлаб бердилар.

– Раҳмат ҳаммаси учун. Кутишлар, қувончлар, ҳаяжонлар, бедорлиқлар, кўз ёшлар учун раҳмат!

Ҳали ҳеч бир жамоа бирдан юлдуз бўлиб пор-ламаган. Ҳали ҳеч ким йиқилмасдан турмаган. Дорбозлар ҳам дорда адл юриши учун қанча жа-роҳатлар олганлар. Сиз ҳам худди дорда юрган дорбоздек босим устида югурдингиз.

Дорбозларни 200 та, борингки, мингта одам кўрар. Сизни эса миллионлар кузатиб турди. Сиз миллион киприклар найзаси устида бизга қувонч олиб келишга жонхалак бўлиб ҳаракат қилдингиз.



Зулфия МҲМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, шоира

Дунё дунё бўлиб бунчалар улкан майдонга ўз-бек қадам қўйган эмас эди. Бу оламда ЎЗБЕКИС-ТОН деган муқаддас номни эшитмаган, у билан ҳисоблашиш мумкинлигини, унинг Президенти айтганидек, ҳурмат қилишни билмаган эллар, элат-лар, давлатлар, давронлар бор эди. Мана энди дунё ўзбекни кўрди, қўл берди, беллашди, сами-мият кўрсатди, ҳурмат қилди.

Миллатимиз бирлашганини, ягона Ватан, яго-на халқ бўлганини яна бир бор исботлаганингиз учун ташаккур!



Шерзодхон ҚУДРАТХҲҲА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети ректори,
сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор

– Истаимизми, йўқми, барибир, ҳар қандай ға-лаба ортида биз кўрган-кўрмаган саноксиз мағлу-биятлар ётади. Ғолиблик ва мағлублик ҳаммаша ёнма-ён юради. Ҳар бир ютқиқиз ғалабага бўлган ишончни шакллантиради.

“Ғалабанинг отаси кўп, мағлубият эса етим”, деб бекорга айтишмаган.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Жаҳон чемпионатидаги иштироки бу катта зафар-ли йўлнинг бошланишидир.

Битта мисол келтирмоқчиман: миллионлаб мухлисларга эга Муҳаммад Салоҳ тўп сурадиган Африка мамлакатлари орасида энг кучлиларидан бири сифатида тан олинган Миср ҳам 92 йил ичида

биринчи марта бу йилги мундиалдаги битта ўйинни ўз фойдасига ҳал қила олди... Тасаввур қиялпсиз-ми, 92 йил кутишди ва бу йилги чемпионатда Янги Зеландияга қарши кечган ўйинда 1:3 ҳисобида ғо-либ бўлишди.

Ишончим комилки, бизлар бунчалар узоқ кут-маймиз. Насиб этса тўрт йилдан кейин бўлиб ўта-диган мундиалда миллий терма жамоамиз йигит-ларидан ёрқин ғалабалар кутиб қоламиз.

Ҳар доим ғолибликка эришиш, бу вақти-соати келиб мағлубият аламини тортиш ҳам демакдир. Токи бу дунёда ҳаёт эканмиз, ҳеч қачон мағлуби-ятдан кўрқмасдан, фақат ғалабалар сари дадил қадам ташлайверайлик...



Ҳусан ЗРМАТОВ,
“Ишонч” ва “Ишонч” – “Доверие” газеталари бош муҳаррири, сенатор

– Ҳалигача эсимдан чиқма-япти: 18 июнь, пайшанба. Жаҳон чемпионати. Мехико шаҳри, “Ацтека” стадиони. Биринчи ўйин Колумбия – Ўзбекистон!

Айтинг, бу тарихий кунни кам эмас, кўп эмас, нақ 35 йил кутга-нимиз рост-ку! Биздан аввал яшаб ўтган футболсевар ота-боболари-миз орзулари ушалганига тарих гувоҳ эмасми?

Уша кунги мурасасиз ку-рашларга бой кечган ўйинни ҳатто нафас олмасдан ички ҳаяжон, ға-лати ҳадик билан кузатмадикми?

Байроғимиз улкан стади-он узра ёйилганда миллионлаб кўзлар ёшланмадими? Раҳматли Муҳаммад Юсуф қаламига ман-суб “Улуғимсан Ватаним”ни Се-вара Назархон талқинида эшитиб, орақлар жунбишга келмадими? Қалбимиз чексиз фахру ифтихор-га тўлиб кетди. Ишонасизми, уш-бу халқчил кўшиқ гўёки она Ва-танимиз мадҳиясидек ҳар қандай ўзбекистонликни руҳлантирга-

ни шубҳасиз. Ижродаги улуғвор оҳанг миллатимизнинг буюк мақо-ми-тарихини билмасларга ҳам ўзига хос “таржимон” вазифасини ўтайди.

Ўйинга қайтадиган бўлсак, тактик жиҳатдан кўпам ёмон эмас. Колумбия термаси билан кечган ўйин бундан бошқача бўлиши ҳам қийин эди, албатта. Тагин денг, гол урган Аббосбек Файзуллаевга тасаннолар айтдик. Фақат рақиб-ларнинг энг охириги тўпи ортиқча бўлди...

Фақат, илтимос, ўйинчилари-мизни маломат қилмай турайлик. Олдинда ҳали назарий жиҳатдан бўлса ҳам имкониятлар пайдо бў-лиши мумкин. Муҳими, ўша май-донда дунё футболни устунлигига қарши уйнай бошладик, уларни шошириб қўяётганимиз, дарвоза-ларидан тўп олиб чиқишга мажбур қилаётганимиз... ҳозирча! Баланд-ликка доимо зинама-зина чиқилад-ди...



Имомали НАЗАРОВ,
фермер, О'zLiDeP фаоли,
“Шухрат” медали соҳиби

– Жаҳон чемпионати бошланишидан аввалроқ ашаддий мухлислар йиғилган катта бир даврада “Оғайнилар, Ўзбекистон терма жамоасининг шундай нуфузли мундиалга тарихда биринчи марта чиқиши мўъжиза. Фақат, мени тўғри тушунишлар, сўкманг-лар илтимос, очигини айтаман: биз юқори ўрин ёки медаллар учун эмас, балки тажриба учун бораётга-нимизни унутманглар” деганимни биламан, ҳаммаси менга ёпишиб кетди. Бу – менинг фикрим, майли, ўзимни ҳурмат қилманглар, лекин фикримни ҳисоб-га олинглар, десам-да, эшитишни ҳам ишташмади...

Ўйинлар тугаб, чемпионат эшиги ёпилгач, ку-ни кеча яна бир тўй баҳонасида тўпландик. Очиғи, мен шу ерда ҳам футбол ҳақида гап очмайлик, кимнинг кўнглига сиғади, деб бир чеккада куза-тиб турдим. Қайда, қайси бир столга қарамайин, ҳамманинг оғзида шу футбол мавзуси тўхтамасди. Айтиб ўтирмайман, нималар дейилмади. Кимдир

уч ўйинда ҳам Ҳусановга жуда қийин бўлганини, яна бирови Шомуродов ва Файзуллаевни мактаб, бошқа ўйинчилар раҳматли Ҳожибой Тожибоев ба-шорат қилганидек, океан ортига “музқаймоқ ега-ни” борганини писанда қилди. На илож, эл оғзига элак тутиб бўлмайди-да...

Фақат менинг кўнглимга бошқа бир умид, орзу, илинж таскин беради: эсимда, давлатимиз раҳбари-нинг футболчиларимизни ушбу мундиалга кузатиш маросимида “Майдондаги ҳар бир ҳаракатингизни 40 миллионга яқин халқимиз экран ортида катта ҳа-яжон билан кузатади, орақларни жунбишга келтира-диган ҳиссиёт олади. Ёдингизда бўлсин: эл-юртимиз сизларга ишонади, Президент сизларга ишонади!” деган сўзлари ҳали олдинда яна катта синовлар, ку-рашлар турганига ўзига хос ишора эди. Демак, ноу-мид бўлмайлик, мағлубиятлар, машаққатлар ортида ғалабалар, ёруғ кунлар туради. Насиб этса йиллар

ўтади, фалак айланиб, ўзбекистонлик футболчилар-га ана шу Криштиану Роналду ёки конголик ҳужумчи Ёан Висса ва Лионел Мессига ўхшаган футбол афсо-налари ҳавас қиладиган кунлар келишига ишонаман!

О'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши жамоаси бош ҳисобчи Жаҳонгир Набиевга онаси
Уғилой Набиевнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожиiddин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСПОНОВ
Абдулла АСПОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 745
Адади: 4 106
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00

Тахририятга келган кўлөзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Набатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ